


VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

1-БЎЛИМ. ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН САВДО КОРХОНАЛАРИ

Статистик маълумотлар жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни тавсифлаш ва бошқаришнинг энг муҳим воситасидир. Ҳозирда юқори сифатли статистик маълумотлардан фойдаланмасдан давлат сиёсатида тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш имконсиз. Шулар қаторида савдо статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси статистикаси кўрсаткичи шулар жумласидан.

Савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг ҳудудлар кесимида сони (2025 йил 1 январь ҳолатига)

Жами савдо корхоналари сонига нисбатан улуши (% да)



2-БЎЛИМ. ЧАКАНА САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИ


(умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси, шунингдек, автотранспорт воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари чакана савдосидан ташқари)

2025 йил 1 январь ҳолатига чакана савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 80 118 тани ташкил этиб, 2024 йил 1 январга нисбатан 14 911 тага камайган (ўсиш суръати 84,3 %). Шундан, фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 319 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 79 799 тани ташкил қилди.

Шу жумладан, савдо соҳасида юридик шахс ташкил этмасдан фаолият олиб бораётган ЯТТлар ва уюшмаган савдо (жисмоний шахслар)нинг кузатувлар асосида йиғилган маълумотлари, чакана савдо кўрсаткичларига киритилган.

Юқорида қайд этилган тадбиркорлик субъектлари фаолияти натижасида, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида республиканинг чакана савдо товар айланмаси 403 431,8 млрд сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 109,9 % га ошган. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 64 629,2 млрд сўмни (ўсиш суръати 103,0 %), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 300 869,8 млрд сўмни (ўсиш суръати 111,0 %), уюшмаган савдо товар айланмаси 37 932,8 млрд сўмни (ўсиш суръати 114,5 %) ташкил этди.

Чакана савдо айланмасининг асосий кўрсаткичлари



Чакана савдо товар айланмаси таркибида йирик корхоналар улуши 16,0 %, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 74,6 %, шу жумладан уюшмаган савдо айланмаси 9,4 % ни ташкил қилди.

Чакана савдо айланмаси – аҳолига шахсий, оилавий, маиший ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шу каби фойдаланиш учун сотилган товарларнинг қиймати ҳисобланади.

Чакана савдо айланмаси (умумий овқатланиш корхоналари айланмасини қўшмаган ҳолда) аҳоли жон бошига 7,7 % га ошди ва 10 853,3 минг сўмни ташкил этди. (2023 йилнинг мос даврида – 9 511,2 минг сўм). Тошкент шаҳрида (34 237,3 минг сўм), Навоий (13 824,9 минг сўм) ва Тошкент (12 552,4 минг сўм) вилоятларида энг юқори ўртача жон бошига товар айирбошлаш қайд этилган бўлса, энг кам ўртача жон бошига товар айирбошлаш эса Қорақалпоғистон Республикасида (6 786,9 минг сўм), Сирдарё (7 041,9 минг сўм) ва Қашқадарё (7 242,0 минг сўм) вилоятларида қайд этилди.

Чакана савдо товар айланмаси
(2024 йил январь-декабрь ҳолатига)

	Жами		Аҳоли жон бошига	
	млрд сўм	2023 йилнинг мос даврига нисбатан, % да	минг сўм	2023 йилнинг мос даврига нисбатан, % да
Ўзбекистон Республикаси	403 431,8	109,9	10 853,3	107,7
Қорақалпоғистон Республикаси	13 683,7	108,3	6 786,9	106,9
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	27 518,3	108,5	8 028,2	106,3
Бухоро	22 101,5	109,3	10 726,3	107,5
Жиззах	11 590,6	109,5	7 612,9	107,3
Қашқадарё	26 071,1	109,0	7 242,0	106,6
Навоий	15 000,0	109,9	13 824,9	107,9
Наманган	25 081,2	110,0	8 093,6	107,6
Самарқанд	35 916,8	108,0	8 445,0	105,7
Сурхондарё	24 883,2	109,0	8 547,1	106,4
Сирдарё	6 495,4	108,7	7 041,9	106,7
Тошкент	38 662,8	111,9	12 552,4	109,8
Фарғона	35 002,4	109,2	8 530,7	106,9
Хоразм	16 083,6	109,9	7 985,9	107,8
Тошкент ш.	105 341,3	110,9	34 237,3	108,0

2024 йил январь-декабрь ойларида 2023 йилга нисбатан республиканинг Тошкент (111,9 %) вилояти, Тошкент шаҳри (110,9 %), Наманган (110,0 %), Навоий (109,9 %) ва Хоразм (109,9 %) вилоятларида чакана савдо товар айланмасининг энг юқори ўсиш суръатлари қайд этилди.

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 26,1 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 9,6 %, Самарқанд вилояти 8,9 %, Фарғона вилояти 8,7 %, Андижон вилояти 6,8 % ни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,6 % ва Жиззах вилояти 2,9 % улуш билан энг паст кўрсаткичларни қайд этди.


Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши
(2024 йилнинг январь-декабрь ҳолатига, % да)



Республика чакана савдо товар айланмасида энг юқори улушни Тошкент шаҳри 26,1 % улуш билан 105 341,3 млрд сўмни ташкил этди.


Республика чакана савдо товар айланмасида энг куйи улушни Сирдарё вилояти 1,6 % улуш билан 6 495,4 млрд сўмни ташкил этди.

Чакана савдо товар айланмаси ўсиш суръатлари динамикаси
(январь-декабрь ҳолатига, % да)



Сўнгги 5 йилликда чакана савдо товар айланмасининг юқори ўсиш суръати 2021 йилда кузатилди. Бунда чакана савдо товар айланмаси мос даврга нисбатан 117,0 % ни ташкил қилди.

2023-2024 йилларда чакана савдо ҳажмининг ойлар кесимида ўсиш суръати динамикаси, % да




Ушбу диаграммада кўриниб турибдики, чакана савдо товар айланмасида юқори ўсиш суръати 2024 йилнинг январь ойида 111,5 % ва куйи ўсиш суръати 2024 йилнинг апрель ойида 108,2 % ни қайд этган.

Умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси

2025 йил 1 январь ҳолатига умумий овқатланиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 22 983 тани ташкил этиб, 2024 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 2 231 тага камайган (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 91,2 % ни ташкил этган). Шундан, фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 80 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 22 903 тани ташкил қилди.

Худудлар кесимида умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси ўсиш суръатлари, % да



Умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмасида юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳри (111,6 %), Бухоро (111,6 %), Навоий (111,0 %) ва Самарқанд (110,9 %) вилоятларида кузатилди.

3-БЎЛИМ. УЛГУРЖИ САВДО АЙЛАНМАСИ

(автотранспорт воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари
улгуржи савдосидан ташқари)


Улгуржи товар айланмаси – қайта сотиш мақсадида сотиб олинган ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш ёки ўз фойдаланиши (қайта ишлаш) учун учинчи томон ташкилотлари ва яқка тартибдаги тадбиркорларга ўзгартирилмаган ҳолда жўнатилган товарларнинг қиймати, ушбу товарлар учун ҳақ тўланганлигидан ёки тўланмаганлигидан қатъий назар ҳисобга олинади.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2024 йилнинг январь-декабрь ойида улгуржи савдо товар айланмаси 455 343,2 млрд сўмни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 11,4 % га ўсди.

Улгуржи савдо товар айланмасида юқори ўсиш суръатларига эга йирик корхоналар Жиззах (2,4 м) вилояти, Қорақалпоғистон Республикасида (170,4 %) ва Самарқанд (131,0 %) вилоятида кузатилди.

2025 йил 1 январь ҳолатига улгуржи савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони 44 661 тани ташкил этиб, 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 3 936 тага камайган, ўсиш суръати 91,9 % ни ташкил этган. Шундан, фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар сони 345 тани, кичик корхона ва микрофирмалар сони 44 316 тани ташкил қилди.

Худудлар кесимида улгуржи савдо айланмаси ўсиш суръати, % да



Худудлар кесимида улгуржи савдо ҳажми
(2024 йил январь-декабрь)

	Жами (млрд сўм)	2023 йилга нисба- тан, % да	Йирик корхона- лар (млрд сўм)	2023 йилга нисба- тан, % да	Микро- фирма ва кичик корхона- лар (млрд сўм)	2023 йилга нисба- тан, % да
Ўзбекистон Республикаси	455343,2	111,4	109 390,3	109,3	345 952,9	112,1
Қорақалпоғистон Республикаси	6 757,0	111,8	819,6	170,4	5 937,4	106,7
вилоятлар:						
Андижон	13 321,3	109,3	641,5	86,4	12 679,8	110,8
Бухоро	18 023,9	106,5	4 945,7	99,6	13 078,1	109,3
Жиззах	5 539,8	147,2	630,4	238,7	4 909,4	140,3
Қашқадарё	8 844,5	110,0	1 007,9	97,3	7 836,6	111,8
Навоий	4 852,7	106,3	715,5	93,3	4 137,3	108,9
Наманган	18 548,4	108,9	3 371,0	91,2	15 177,3	113,8
Самарқанд	27 235,6	115,2	10 493,2	131,0	16 742,5	107,1
Сурхондарё	10 969,4	105,9	1 011,4	57,4	9 958,0	115,9
Сирдарё	6 671,4	109,2	242,2	28,1	6 429,2	122,5
Тошкент	52 714,5	116,3	7 510,1	121,1	45 204,4	115,5
Фарғона	25 732,3	110,3	786,8	64,6	24 945,5	112,8
Хоразм	9 033,0	111,0	385,9	40,8	8 647,1	120,2
Тошкент ш.	247 099,5	109,9	76 829,2	110,3	170 270,3	109,8

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида улгуржи савдода 2023 йилга нисбатан энг юқори ўсиш суръати Жиззах вилоятида (147,2 %) кузатилди.

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Чакана савдо – савдо соҳасида яқуний истеъмол учун аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотишни назарда tutувчи фаолият, яъни товарларни фойдаланиш соҳасидан шахсий ёки умумий истеъмол соҳасига ўтган вақтдаги ҳаракатининг яқуний босқичини ифодалайди.

Чакана товар айланмаси – товарларни сотиш тармоқларидан қатъи назар, аҳолига истеъмол товарларини нақд ҳисоб-китоб асосида ёки пластик карточкалари, кредит карточкалари, банкларнинг ҳисоб чеклари орқали (бу ҳам нақд ҳисоб-китоб асосида сотиш каби ҳисобга олинади) сотилган қиймати.

Умумий овқатланиш – юридик шахслар томонидан пазандачилик маҳсулотларини тайёрлашга, сотишга ва истеъмолини ташкил қилишга ихтисослаштирилган фаолиятни амалга ошириш.

Умумовқатланиш айланмаси – жойида аҳолига истеъмол учун, шунингдек, турли контингентдаги аҳолини овқатланишини ташкил қилиш учун ташкилот ва якка тадбиркорларга ўзи ишлаб чиқарган кулинария маҳсулотларини (таом, кулинария маҳсулотлари ва яримфабрикатлар), шунингдек, кулинария ишловисиз сотиб олинган товарларни (унли, қандолатли ва нон маҳсулотлари) сотишдан тушган тушумни ифодалайди.

Товар захиралари – чакана савдо корхоналари балансида турган ва келгусида сотиш учун мўлжалланган товарлар қолдиғи.

Товар айланмасининг товар тузилмаси – умумий савдода нисбий кўрсаткич – жамига нисбатан фоиз ҳисобидаги солиштирма оғирлик (улуш) ёрдамида акс этадиган, умумий товар айланмаси ҳажмидаги алоҳида товар ва товар гуруҳлари ўртасидаги нисбат, яъни товар айланмаси таркиби.

Улгуржи савдо – тижорат мақсадларида ёки ўзининг ишлаб чиқариш-ҳўжалик эҳтиёжларига фойдаланиш учун, харид қилинган товарларни нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакли бўйича сотиш.

Истеъмол товарлари – яқуний истеъмолга (оилавий ёки шахсий) қаратилган, бевосита инсон эҳтиёжини қондирадиган товарлар ва хизматлар.

Техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар – ишлаб чиқариш истеъмоли учун мўлжалланган маҳсулот: хом ашё, материаллар, ёқилғи, бутловчи инструментлар, машиналар, эҳтиёт қисмлар, яримфабрикатлар ва бошқаларни ўз ичига олади.

Улгуржи савдо товар айланмаси – тузилган шартномалар бўйича тижорат мақсадларида (келажакда қайта ишлаш ёки сотиш) ёки ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида товарлар сотишдан тушумни ифодалайди.

Товар захиралари – товар муомаласи доирасида бўлган товарлар ёки улгуржи корхоналар балансида турган ва келгусида сотишга мўлжалланган товарлар қолдиғи.

Товар айланмасининг товар тузилиши – товар айланмаси таркиби, умумий савдода нисбий кўрсаткич – жамига нисбатан фоиз ҳисобидаги солиштирма оғирлик (улуш) ёрдамида акс этадиган, умумий товар айланмаси ҳажмидаги алоҳида товар ва товар гуруҳлари ўртасидаги нисбат.